

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

1-2019

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>А.Тожалиев</b> Инновацион ривожланиш – жамиятнинг янги тараққиёт босқичида муҳим омил .....	66
<b>АДАБИЁТШУНОСЛИК</b>	
<b>Н.Каримов</b> Исҳоқхон Иброт: янги маълумотлар.....	69
<b>Ҳ. Худоймуродова</b> “Рўзи Чориевнинг сўнги васияти”да биографик метод.....	74
<b>О.Абобакирова</b> Ўзбек болалар ҳикоячилигининг услубий хусусиятлари .....	77
<b>ТИЛШУНОСЛИК</b>	
<b>М.Ҳакимов, М.Ғозиева</b> Овоз тембрининг функционал хусусиятлари.....	81
<b>Р.Шукуров, Г.Жўрабоева</b> Исҳоқхон Ибротнинг «Фарғона тарихи» асарида водий топонимлари таҳлили .....	87
<b>О.Бегимов</b> Қўшма таркибли оронимларнинг ясалишига доир .....	92
<b>ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ</b>	
<b>Л.Ахмедова</b> Инновацион таълим технологиялари орқали олийгоҳ талабаларини инглиз тилида сўзлашга ўргатиш .....	96
<b>Ж.Жалолов</b> Чет тили ўқитиш мазмунини тайёрлаш ва ўргатиш методикаси (методологик нуқтаи назар).....	101
<b>ИЛМИЙ АХБОРОТ</b>	
<b>А. Ўринов, Г.Собиржонова</b> Функция ҳосиласининг тенгламалар ечишга татбиқи.....	105
<b>Д.Орипов</b> Қаср тартибли оддий дифференциал тенглама учун локал ва нолокал шартли чегаравий масала ҳақида .....	108
<b>Н.Тўхтасинова</b> Псевдоқавариқ соҳалар ва уларнинг хоссалари .....	111
<b>Ф.Исматуллаев, С.Ахмедова</b> Ўзбекистон – Италия ҳамкорлигининг айрим масалалари .....	113
<b>М.Усманов</b> Фуқаролик жамиятининг маданий ва гуманитар жабҳалари.....	115
<b>М. Раджабова</b> Фарғона вилояти шаҳарларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг аҳволи (1917 – 1924 йиллар) .....	118
<b>Б.Бахриддинова</b> Билвосита ва бевосита таржимада реалиялар.....	121
<b>З.Жўраева, Н.Ўсарова, Н.Дўлтаева</b> Салиҳ Бишакчи томонидан Абдурауф Фитрат асарларининг қиёсий таҳлили .....	124
<b>И.Ҳожалиев, И.Аҳмаджонов</b> Термин ва талқин муаммосига доир .....	127
<b>Б.Қурбонова, З.Каримова</b> Ўзбек ва қирғиз тиллари лексикасида макон семали лексемаларнинг ифодаланиши.....	130
<b>Г.Икромова</b> Шароф Бошбеков драмаларининг айрим фонетик хусусиятлари .....	132
<b>ФАНИМИЗ ФИДОЙЛАРИ</b>	
Ўзбек тилшунослигининг фозил сиймоси .....	135
<b>БИБЛИОГРАФИЯ</b>	
Библиография .....	137

УДК:8(09)+8-21

## САЛИХ БИШАКЧИ ТОМОНИДАН АБДУРАУФ ФИТРАТ АСАРЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

З.Жўраева, Н.Ўсарова, Н.Дўлтаева

**Аннотация**

Мақолада юртимизда жадид адабиётининг етук намояналаридан бири - Абдурауф Фитрат адабий меросининг хорижлик адабиётшунос олимлар, хусусан, туркиялик олим Салих Бишакчи томонидан қилинган таҳлили ҳақида фикр юритилади.

**Аннотация**

В статье представлены рассуждения об анализе литературного наследия одного из видных деятелей узбекской джадидской литературы – Абдурауфа Фитрата со стороны зарубежных литературоведов, в частности, турецкого ученого Салиха Бишакчи.

**Annotation**

In this article described the interpretation of Abdurauf Fitrat's literary inheritance by foreign scholars, especially by the Turkish literary critic Salih Bishakchi.

**Таянч сўз ва иборалар:** драма, жадид, мумтоз, трагедия, Ёш турклар тўғараги, Сайҳа, Ҳинд ихтилолчилари, улус.

**Ключевые слова и выражения:** драма, джадид, классик, трагедия, Кружок юных турков, Сайха, индийские мятежники, улус (народ).

**Key words and expressions:** drama, jaded, classical, tragedy, circle of Young Turkicmen, Sayha, Indian revolutionaries, ulus (public).

Маълумки, Абдурауф Фитрат умри давомида кўпгина давлатларда бўлган ва ижод этган бўлиб, у хорижда таълим олган жадидчилардан биридир. У Туркиянинг Истамбул шаҳрида 1914 йилга қадар тўрт йил таҳсил олади. У бу даврда ўзининг бир нечта машҳур асарларини ёзади ва нашр эттиради. У Бухорога қайтгач, мамлакатда сиёсий соҳада маданий ривожланишга эришишни мақсад қилади[1,187].

Фитратнинг бу даври ҳақида бизда кўп маълумотлар учрамайди, аммо истиқлол шарофати билан биз Фитратнинг хориждаги ҳаёти ва ижоди ҳақидаги хорижлик олимлар томонидан қилинган таҳлилларни учратишимиз мумкин. Туркиялик олим Салих Бишакчи ҳам шундай олимлар сирасидандир. У Фитратнинг асарлари тадқиқотчиси ва мухлиси сифатида унинг “Мунозара” (“Ҳиндистонда бир фаранги ила Бухоролик бир мударриснинг бир нечта масалалар ҳамда усули жадида хусусида қилган мунозараси”), “Ҳинд ихтилолчилари” ва “Чин севиш” асарларини таҳлил қилади. Бундан ташқари, у Фитратнинг муҳожирлик ва ўз юртидаги ижодига ҳам назар ташлайди ва унинг ижодидаги ўзгаришларни ҳам санаб ўтади.[2,58] Масалан:

*“Actually, the progress of his nation concept was following a line similar to the watan. But Fitrat was stressing the foreign domination over Muslim nations and especially his nation. Perhaps, the notions of liberty and liberation in Fitrat's ideology were inspired by the Young Turk circles during his stay in Istanbul”*[2,59]

Бу сатрлардан биз Салих Бишакчининг Фитрат ватан мавзусига кўп тўхталиб ўтишига хорижлик босқинчиларнинг мусулмон миллатларнинг, айниқса, ўзининг халқи устидан ҳукмронлик қилишлари сабаб бўлганлигини ва, эҳтимол, бунга сабаб унинг Истамбулда бўлган чоғларида “Ёш Турклар тўғараги”даги иштироки бўлса керак, дейди. Дарҳақиқат, бизга маълумки, у чет эл босқинчиларининг юртимиздаги ҳукмронликларини ёқтирмаган. Салих Бишакчи ўз сўзларини адибимизнинг қуйидаги шеърини таржима қилиб исбот этади:

*Actually, the watan concept of Fitrat was as innocent as an infant's cry to its mother. Fitrat later expressed his feelings regarding to watan in verses of Sayha:*

*Oh my dear mother,  
Oh land of Bukhara*

*My Pride with you,  
And my trust is with you...*  
In another poem he says:

З.Жўраева, Н.Ўсарова – ҚДПИ инглиз тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчилари.  
Н.Дўлтаева – ҚДПИ инглиз тили ва адабиёти таълими йўналиши 2-курс талабаси

*Begin to blow about my homeland in the morning*

*Oh, did I say homeland, rather the place where*

*I prostrate my body and soul*

*Both my safe place of rest, my honor and glory*

*And my ka'ba, my qibla, and my garden* [3, 6-23].

Бишакчи Абдурауф Фитрат ватани олдида янги туғилган чақалоқ сингари бегуноҳ эканлигини ва ўзининг юқорида келтирилган “Сайҳа” шеърида ватанга бўлган ҳис-туйғуларини намоёиш этганлигини таъкидлайди. [3,23]

Булардан ташқари муаллиф Фитратнинг “Мунозара” (“Ҳиндистонда бир фаранги ила бухоролик бир муддариснинг бир нечта масалалар ҳамда усули жадида хусусида қилган мунозараси”) асаридан ҳам парча келтириб, унда ватан масаласи қайтарзда ифодаланганлиги ҳақида гап юритади. Буни биз куйидаги сатрлар орқали кўриб, гувоҳ бўламиз:

*«The evolution of the concept of homeland generated the ‘liberation’ notion. Fitrat explained the occupation of Muslim lands by the ignorance of Muslims. He wrote that “300 million of Muslim population was under the domination of infidels” in the Munâzâra . Fitrat defined his notion with three terms: homeland, nation and liberation; all which are vital to build a state. His concept of homeland started with Bukhara-i Sherif, then developed to include the Emirate of Bukhara, and finally a more comprehensive area including Turkestan».*

С. Бишакчи Фитратнинг “Чин севиш” ва “Ҳинд ихтилолчилари” асарлари ҳақида гапирар экан, унда у куйидаги маълумотларни омма эътиборига ҳавола этади:

*«Fitrat first wrote “Chin Sevish” (True love), which has a plain plot compared to “Hind Ikhtilâlchilari” (Indian Revolutionaries. After “Chin Sevish” , Fitrat completed “Hind Ikhtilâlchilari” with more complicated plot and casting. However, Fitrat hesitated to publish it in the political atmosphere of the Republic of Bukhara. The play was published in Berlin in 1923 by the students of Fitrat who had been sent to Germany for higher education. The “Hind Ikhtilâlchilari” was one of the subsequent works of Fitrat. Its literal quality was high and its aim was to preach to the public; perhaps it*

*was written for the stage, but records about the staging of this play have not been found. In the “Chin Sevish” and “Hind Ikhtilâlchilari”, Fitrat exemplified the liberation of India in the form of an imaginary revolution against the colonial British rule. Fitrat’s preliminary homeland concept just covered Bukhara, but this perception expanded to Turkestan in the “Hind Ikhtilâlchilari” . The interest of Fitrat in India stemmed from the historical commercial and cultural relations of Central Asian people with India. One also believes that as a colony of the British Empire, India was a comparable example to Bukhara in the context of colonialism» [4].*

Унинг маълумотларига қараганда, Фитрат “Чин севиш” асарини “Ҳинд ихтилолчилари” драмасидан олдин ёзади ва бу асар кейингисига қараганда соддароқ мазмунда, “Ҳинд ихтилолчилари” драмаси эса бир оз мураккаб ва мукамал чиққан, деб ҳисоблайди. Шунга қарамай, Фитрат “Ҳинд ихтилолчилари” драмасини Бухоро республикасидаги сиёсий вазият туфайли нашр эттиришга иккиланади ва у шогирдини Германияга олий таълим олиш учун жўнатиб, унга ушбу асарини бериб юборади ва асар у томонидан 1923 йилда Берлин шаҳрида нашр эттирилади. Бу асар Фитратнинг сўнги асарларидан биридир. Унинг адабий жиҳатдан сифати юқори даражада бўлиб, асар оммани фикрлашга тортади. Эҳтимол, асар сахна учун ёзилган, аммо ёзилишида сахна учун керак булган сўзлар ишлатилмаган. “Чин севиш” асари ва “Ҳинд ихтилолчилари” драмаси орқали Фитрат Ҳинд қаҳрамонлари орқали бутун мустамлакачилик сиёсатига қарши эканлигини кўрсатган. У Ҳинд тимсоли мисолида Марказий Осиё халқини акс эттирган. Ҳиндистон мустамлакачилиги мисолида Бухорони қиёслаган [5,14].

Шу билан биргаликда, Бишакчи эътиборини асарнинг лексик хусусиятларига ҳам қаратади. Ўзбек тилига ўша даврда янги кириб келаётган чет сўзларга тўхталиб ўтади. Мисол учун;

*“In “Hind Ikhtilâlchilari”, Fitrat introduces the term ulus which is a new word for the Uzbek language. While he is describing the power of the Indian nation, he uses ulus instead of halq . Perhaps, the word ulus holds the sui generis character of nation which the new elites are trying to form”.*

Салиҳ Бишакчи Фитрат асарида халқ сўзи ўрнига улус сўзини ишлатганини ва бу сўз ўзбек тили учун янгилик эканлигини айтиб ўтади. У мақоласининг охирида Фитратнинг ушбу драмасига қуйидаги таърифни беради:

*“Fitrat also tries to individualize the nationalism and liberation feelings by adding a love theme to the play. The love theme is the main subject of many legends and stories of oral tradition in the Central Asia. Thus, the reader would catch the notion from a different point of view. The Bukharanian Jadids also emphasized the education of woman and participation to their modernization efforts. “Hind Ikhtilalchilari” was also stressing the importance of role of women in the transformation process of Bukhara and Turkestan at a higher level. Fitrat defined women as solid supporters of the men during the modernization process of Bukhara. The “Hind Ikhtilalchilari” proves that in all Muslim*

*societies the modernization process was affected by each other”.*

Демак, у Фитрат асарларини алоҳида-алоҳида мукамал асарлар деб ҳисоблайди. Ёзувчини мустамлакачилик сиёсатини қораловчи ва севги ва ватанпарварлик ғояларини олға сурувчи, деб ҳисоблайди. “Ҳинд ихтилолчилари” драмасида аёлларни илмга жалб этиш Туркистон ва Бухорони янги даражага олиб чиқувчи муҳим жараён эканлигини ва асарнинг ҳамма мусулмонлар жамияти ривожига ижобий таъсири борлигини ёзади.

Хорижлик олимларнинг бизнинг ўзбек адабиёти намояндалари ижодига алоҳида қизиқишлари, юксак ҳурмати ва уларнинг асарларини таҳлил қилишга уринишлари биз, ёшларнинг олдида адабиётимиз ривожига катта ҳисса қўшган илм аҳли ҳамда адабиётшуносларимизнинг ҳаётий фаолиятлари, адабий меросларини дунёга янада танитиш зарурлиги масъулиятини ҳам юклайди.

#### Адабиётлар:

1. Болтабоев Ҳ. Номаълум Фитрат // “Ёшлик” журнали.-1990 йил 3-сон.
2. Xisao Komatsu. Markaziy Osiyo ixtilolchilari: Abdurauf Fitrat" monografiyasi., 1997.
3. Hamidulla Boltaboyev ."Sayha" qismatidan lavhalar yoki shoir Fitrat haqida. -Sharq yulduzi.-1991, 6-son.
4. Мирзаева З. И. Абдурауф Фитрат фаолиятининг ўрганилиши: ўзига хос ёндашув ва қарашлар // Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари ёш олимлар тадқиқотларида: асосий йўналишлар ва ёндашувлар. Республика ёш олимларининг аънавий иккинчи илмий конференцияси материаллари тўплами. – Т.: Фан, 2010.
5. Болтабоев Ҳ. Фитратнинг илмий мероси. -Т.: Фан, 1996.
6. Болтабоев Ҳ. Фитрат - адабиётшунос. -Т.: Ёзувчи, 1996.
7. Болтабоев Ҳ. Бобуршоҳ Фитрат талқинида.// “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси .-1993, 2-сон.
8. Болтабоев Ҳ. 20 аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси.//Фил.фанл.доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. -Т., 1996.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори.)